

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қорақалпоғистон Республикаси  
Автомобиль йўллари бош бошқармаси  
бошлиғи

М.Б.Алламбергенов

«        »  
2022 йил



Қорақалпоғистон Республикаси умумий фойдаланишдаги халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларида кўкаламзорлаштириш ишлари лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

- Буюртмачи: ҚР Автомобиль йўллари бош бошқармаси
- Лойиҳа учун асос: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги "2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-742-сон Қонунига асосан Республика бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда Автомобиль йўллари кўмитасининг тақсимотига асосан Қорақалпоғистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари кўкаламзорлаштириш ишлари 2022 йил учун манзилли-рўйхати.
- Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари
- Бош лойиҳачи ташкилот: Танлаш савдолари натижаси билан аниқланади.
- Бош пудратчи ташкилот: Танлаш савдолари натижаси билан аниқланади.
- Қурилиш тури: Кўкаламзорлаштириш ишлари
- Объект жойлашган ҳудуд: Қорақалпоғистон Республикаси умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари
- Объектнинг лойиҳавий қуввати: Объектнинг бошланиши, узунлиги, эни ва охири ҳамда ишлар ҳажми тузилган нуқсонлар қайдномалари далолатномаларига асосида аниқланади.
- Ер тури: текис
- Йўлнинг техник тоифаси: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Режалаштирилган техник-иқтисодий асос: талаб қилинмайди.
- Мавжуд ер ости ва ер усти тузилмалари: заруратга асосан фойдаланиш.
- Сунъий тузилмалар: бетон қувурлар ва кўприк элементларини текшириш ҳамда агар керак бўлса таъмирлаш.
- Қоплама тури: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Қурилиш муддати: 9 ой
- Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тугатиш: шартнома асосида
- Лойиҳалаш ва тадқиқот ташкилотини молиялаштириш ишлари: Буюртмачи томонидан
- Топшириш қабул қилиш тартиби: Лойиҳа смета ҳужжатлари ушбу топшириқ талабларига биноан ишлаб чиқилади ва 3 нусхада, электрон вариантда ҳамда амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган ҳолда буюртмачига топширилиши лозим. Топширилган лойиҳа смета ҳужжатларини буюртмачи корхона томонидан 10 кун мобайнида кўриб чиқилиб бартараф етилади. Агарда ундан кейин камчиликлар аниқланса, лойиҳачи корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мажбуриятини олади. Объектдаги ҚМИ бошланганидан якунигача, яъни объект фойдаланишга топширилгунгача давр мобайнида лойиҳачи ташкилот томонидан муаллифлик назорати олиб борилади.
- Алоҳида шартлар: Юқори турувчи орган томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш натижасига кўра камчилик ва нуқсонлар аниқлан тақдирда лойиҳачи ташкилот жабовгар бўлиш билан биргаликда, ҳужжатларга ўзгартириш киритиш лозим деб топилган ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш мажбуриятини олади.

Тайёрлаган:

Р.Ибрагимов